

ЛУҒАВИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ ТЕРМИНОЛОГИК СИСТЕМА СИФАТИДА ТАДҚИҚ ЭТИШ

Ибатова Амира Шавкатовна

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Самарқанд филиали

“Тиллар” кафедраси доценти

E-mail : amiraibatova1911@gmail.com

Annotation

The article deals with the terminological system of lexical units related to bread, the interaction of language units with each other, the interrelationships between them, the essence of each unit in any system due to connections, and the relationship between units of the same system, lexical units, language units (phonemes, morphemes, lexemes, etc.) appear in speech in a specific material form, and lexical units related to bread are analyzed in terms of lexical-semantic groups in terms of synonymous, antonymic, and homonymous relationships.

Keywords: *lexical unit, term, lexeme, system, event, system, dictionary, language, lexicon, phoneme, morpheme, historical-etymological, hyponymy, antonym, synonym, semantic, field terms.*

Маълумки, ўзбек тилининг луғат таркиби шу тилнинг сўз бойлиги, лексик-семантик тизими сифатида шаклланган, яхлит ҳодиса ҳисобланади. Лекин, шуни ҳам инобатга олиш лозимки, тилимизнинг луғат таркиби ўзининг тарихий ривожидавомида жуда мураккаб тараққиёт босқичларини бошидан кечирган. Ҳар қандай тил лексикасининг тарихий ривожланиш ва шаклланиш хусусиятларини билиш учун ўша тил луғат таркибидаги сўзларни тарихий-этимологик нуқтаи назардан ўрганиш, уларнинг генезиси ва келиб чиқиш манбасини аниқлаш талаб қилинади. Бундай изланишлар, ўз навбатида, ўзбек тилининг ўтмишида қайси қардош ва ноқардош тиллар билан ўзаро муносабатда бўлганлигини аниқлаш имконини беради ҳамда тилнинг луғат таркиби, грамматик қурилишида содир бўлган тарихий ривожланиш жараёнларини илмий жиҳатдан тушунишга замин ҳозирлайди¹.

¹ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 312.

Тилшунос олимлар у ёки бу тил лексикасини тирихий-этимологик нуқтаи назардан таҳлил қилганда, ундаги ўз ва ўзлашган сўзларни аниқлашни асосий мақсад қилиб қўймоқдалар. Бу ҳақда Э.Бегматов шундай ёзади: “Сўзларни тарихий-этимологик гуруҳларга ажратиш йўли билан ҳам ўрганиш мумкин. Бу усул тил луғат составини ташкил этувчи луғавий бирликларнинг генетик манбаларини, яъни сўзнинг аслида қайси тил элементи эканини аниқлашга имкон беради”².

Лексик таркибининг бойиши асосан икки йўл, яъни ўзбек тили асосида сўз яшаш ҳамда хорижий тиллар лексикасини ўзлаштириш орқали рўёбга чиқади³.

Ўзбек тили луғат таркибининг бойишида ички манбалар асосий манба ҳисобланади. Нон терминларнинг ҳосил бўлишида ички манба (аффиксация, композиция ва семантик усул билан сўз яшаш) алоҳида ўринни эгаллайди. Мазкур қатламдаги терминлар ўзбек тилининг ўзида, унинг фонетик, семантик ва грамматик қонун-қоидалари асосида ҳосил қилингандир.

В.П.Даниленко умумистеъмолдаги сўзлар доирасига фан-техника соҳасида термин сифатида қўлланувчи номларни ҳам киритади ва уларни умумистеъмолда ҳам, терминологияда ҳам бир денотатни билдириши, фақат маъно типлари, мазмун ҳамда ахборот сиғимдорлигига кўра фарқ қилишини айтиб ўтади⁴.

Олимларнинг тадқиқотлари туфайли ўзбек тилининг касб-хунармандчилик, техника, нонвойчилик, ҳарбий, халқ ўйинлари, қўйчилик, йилқичилик, ботаника, математика, жисмоний тарбия ва спорт, тиббиёт, доришунослик, кимё, мусиқашунослик, анатомия, заргарлик, ёғочсозлик, ўтовсозлик, йўлсозлик каби ўнлаб соҳалари терминологияси атрофлича ўрганилди⁵.

Шу билан бирга, нон маҳсулотлари технологияси терминлари улардан олдин касбга оид сўзларни ўз ичига олган кўплаб расмий терминологик тизимларга киради.

² Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 34.

³ Дадабоев Х., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007 – Б. 22.

⁴ Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания. – М.: Наука, 1977. – С. 23.

⁵ Джамалханов Х. Из истории формирования и развития узбекской ботанической терминологии: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1963;

Бу сўзлар, «фаолиятнинг қайсидир соҳасида пайдо бўлиб, вақт ўтиши, фан ривожланиши билан терминларга айланган»⁶.

Ж. Сагер “терминология” тушунчасига хос асосий учта белгини тилга олади: а) фаолият: терминларни тўплаш, тавсифлаш, стандартлаштириш, тақдим этиш ва тарқалиш жараёни; б) назария: тушунча ва термин орасидаги боғлиқликни тавсифлаб ўрганувчи фаразлар, усуллар ва натижалар; с) луғат (лексикон): махсус соҳа (тушунчаларининг) луғати⁷.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Amonova G.T. Language is the key to integration or the importance of state language in research // УзМУхабарлари. - Тошкент: УзМУ, 2017. - № 1/4. - Б. 240-242. (10.00.00; № 15)
2. Рустамов Д.А. Лексемалар миллий-маданий хосланган семемасининг лингвوماданий тадқиқи:Филол. фанлари бўй. фалсафа доктори (PhD).... дисс. автореф. Фарғона: 2018. – Б.10.
3. Сапаев Қ., Сапарниёзова М. Ўзбек тили практикumi. 1-қисм. [Фонетика. Лексикология. Фразеология. Морфемика. Сўз ясалиши] – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2005. – 84 бет.
4. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг қисқача луғати. – Тошкент: Фан, 1963.

⁶ Галкина-Федорук Е.М. Современный русский язык. ч.1. Лексикология. – М.: 1962.

⁷ Қаранг: Sager, Juan C.A practical course in terminology processing // Juan C. Sager: with a bibliography by Blaise Nkwenti-Azeh. - Amsterdam. Philadelphia: John Behjamins publishing company, 1990. - P. 2.